ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ XV ПЛЕНУМИ

# ЎРТОҚ Ш. Р. РАШИДОВ ДОКЛАДИ

(Боши 1 ва 2-бетларда).

Партия, касаба союз ва хўжалик раҳбарлари меҳнаткашлар оммасини коллективларнинг социалистик мажбуриятларини ишлаб чиқишга, бу мажбуриятларнинг бажарилишини текшириш ва мусобақа якунларини тўплашга жалб этмаётганликларини кўрсатадиган ҳоллар кўп учраб туради. Мусобақа натижаларидан ҳаммани хабардор қилиш кўнгилдагидек эмас. Мусобақани ташкил этиш масалалари ишчилар ва колхозчиларнинг йиғилишларида камдан-кам муҳокама қилинади. Олинган мажбуриятларга масъулиятсизлик билан қаралаётганлигини кўрсатадиган фактлар бор.

Айрим жойларда илғорларни, мусобақа ғолибларини рағбатлантириш учун мўлжалланган маблағлардан нотўғри фойдаланишга йўл қўйилмоқда. Баъзи жойларда бу маблағлар талон-тарож қилинаётганлиги жуда ачинарли бир ҳолдир.

Бундай фактларга йўл қўйиб бўладими, ахир? Булар мусобақа илғорларини моддий жиҳатдан рағбатлантиришнинг аҳамиятини пасайтириб юборади, меҳнаткашларнинг ташаббуси ва активлигини кучайтиришга, кадрларни тўғри тарбиялашга жиддий зарар етказади.

Биз мусобақага раҳбарликни доим такомиллаштириб боришимиз керак. Мусобақани ривожлантириш учун сиёсий ишнинг кўпгина хилма-хил формаларидан кенг фойдаланиш лозим. Мусобақани ташкил этишнинг ленинча принципларини изчиллик билан амалга ошириш керак. Бу принциплар мусобақанинг оммавий тус олишини, мусобақа натижаларини ҳаммага маълум қилишни, бу натижаларни таққослаб кўришни таъминлашдан, тажрибани амалий равишда такрорлаш имкониятини вужудга келтиришдан иборат. Рағбатлантириш чораларини, хусусан маънавий стимулларни тўғри қўлланишга эришиш — жуда муҳимдир.

Ишлаб чиқариш илғорлари, мусобақа ғолибларининг тажрибасини кенг пропаганда қилиш, меҳнат унумдорлигини жадал ўстиришда, маҳсулотнинг сифатини яхшилашда омманинг ташаббусини ривожлантириш, барча меҳнаткашларни беш йиллик топшириқларини ва беш йилликнинг белгиловчи тўртинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун сафарбар қилиш — партия ташкилотларининг, идеология соҳасидаги барча ходимларнинг асосий вазифаларидан биридир.

## ЁШЛАР—БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗ

Ўртоқлар! Ёшлар партия ташкилотларининг зўр эътиборини, чинакам оталарча ғамхўрлигини талаб қиладилар. Ёшлар бизнинг умидимиз, бизнинг келажагимиздир. В. И. Ленин «Худди шу ёшлар коммунистик жамиятни яратишдан иборат чинакам вазифани бажаришлари керак», деб таъкидлаган эди. (Асарлар тўла тўплами, 41-том, 298-бет).

Партиямиз Ленин васиятларига амал қилиб, ёшларни тарбиялашга катта аҳамият бермоқда. Партия қувноқ, хушчақчақ, меҳнатсевар, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан соғлом ёш авлодни камол топтириш тўғрисида, йигит ва қизларнинг сиёсий онги, умумий билим ва техникавий тайёргарлиги даражасини ошириш ҳақида, уларни Ватан бахт-саодати йўлидаги актив бунёдкорлик меҳнатига жалб этиш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Л. И. Брежнев ёшларни тарбиялашнинг аҳамияти тўғрисида гапириб, қуйидагиларни уқтириб ўтди: «Бу — катта, умумпартиявий, умумдавлат ишидир. Аслини олганда бу — жамиятимизнинг келгусидаги тараққиёти масаласидир».

Ўзбекистонда аҳолининг 65 процентдан кўпроғини 30 ёшгача бўлган йигит ва қизлар ташкил этади. Бу ҳол ёшлар ўртасида тарбия ишини яхши йўлга қўйиш учун бизнинг зиммамизга алоҳида масъулият юклайди. Бизда ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашни кучайтириш учун кўп иш қилинаётганлигини айтиб ўтиш керак.

Ёшлар билан ишлашда турли форма ва методлар қўлланилмоқда. Йигит ва қизлар ўртасида марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш анча кучайди, ёшларнинг ишчилар, деҳқонлар сафига қўшилишига бағишланган маросимлар, уларни партия ва халқнинг революцион, жанговар ва меҳнат традициялари руҳида тарбиялаш, янги совет анъаналари ва маросимларини ёшларнинг ҳаётига сингдириш ишлари кенг куламда уюштирилмоқда.

Бу иш ўз самараларини беряпти. Биз ҳозирги кунда бутун мамлакатдаги каби республикамизда ҳам коммунизм учун курашувчиларнинг ажойиб авлоди ўсиб етишмоқда, деб мамнуният билан айта оламиз. Йигит ва қизларнинг ғоят кўпчилиги — билимли, маданиятли, ғоявий эътиқодли, ҳаётга тўғри назар соладиган, юксак маънавий хислатларга эга бўлган кишилардир.

Бизнинг ёшларимиз завод ва фабрикаларда, шахта ва руда конларида, қўриқ ерларда ва янги қурилишларда, колхоз ва совхоз далаларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Улар партиянинг чақириқларини астойдил маъқуллаб, узларининг илҳомбахш меҳнати кўпроқ талаб этилган жойларга бормоқдалар, кекса авлод кишилари билан биргаликда ўзларининг руҳий бардамлиги, қалб ҳароратини, битмас-туганмас жўшқин куч-ғайратларини ишга бағишламоқдалар.

Аммо биз совет кишисининг тафаккур ва хатти-ҳаракат тарзига зид йўлга ўтган ёшларга ҳам баъзан дуч келамиз. Баъзи йигит ва қизлар воқеликка ишонмайдилар, сиёсатга бефарқ қарайдилар, меҳнатга, ўзининг гражданлик бурчини бажаришга эътибор қилмайдилар, ахлоқимизнинг, ҳуқуқ ва тартиботимизнинг нормаларини, социалистик жамиятда яшаш қоидаларини бузадилар. Ёшларнинг бу қисми империалистик пропаганданинг турли воситалари ёрдамида чет эллардан бизга суқилиб кирадиган буржуа хулқларига баъзан тақлид қилаётганлиги, ўзларининг мешчанлик дидлари ва ножўя қилиқлари билан совет кишиси деган шарафли ва юксак номга доғ тушираётганлиги бизни ташвишлнатирмай қололмайди.

Бундай кишилар оз бўлса ҳам, лекин биз уларнинг ҳаммаси учун жавобгармиз. Бу — ёшларимизнинг синфий онгини занфлаштириш, ҳатто йўқотиш, улар орасида коммунистик қурилишнинг муваффақиятларига ишончсизлик туғдириш, ёш авлодни кекса авлодга қарама-қарши қўйиш учун жонжаҳди билан интилаётган буржуа пропагандаси таъсирининг натижасигина эмас. Бу — бир қанча партия ва комсомол ташкилотларининг тарбия ишини яхши уюштирмаганлиги оқибати ҳамдир.

Бинобарин, биз ёшларни тарбиялашни жуда яхши йўлга қўйишимиз, бунинг учун идеология фаолиятининг барча воситалари ва формаларидан фойдаланишимиз лозим. Шунга эришмоқ зарурки, барча йигит ва қизлар марксча-ленинча назарияни, фан-техника билимларини чуқур эгаллаб олсинлар, ёш авлод ижтимоий-сиёсий ҳаётда, бунёдкорлик меҳнатида тобора кенг ва фаол қатнашсин, коммунизм қуришдан иборат умумхалқ ишига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшсин.

Умумий таълим мактаби ана шу вазифани ҳал этишда катта роль ўйнайди. Худди шу мактабда киши шакллана бошлайди. Мактаб кишиларга билим беради, уларга жамият бахт-саодати учун меҳнат қилиш малакасини сингдиради, уларда юксак ахлоқий хислатларни чиниқтиради, марксча-ленинча дунёқараш асосларини қарор топтиради, кишини умрбод олға бошлаб борадиган, унинг феъл-атвори ва хатти-ҳаракатларини белгилайдиган идеяларга ишончни шакллантиради.

Республикада умумий таълим мактаблари шохобчалари тез суръатлар билан ривожланмоқда. Ҳозирги вақтда 9540 дан ортиқ умумий таълим мактаби бўлиб, уларда 3 миллион 645 мингдан ортиқ киши ўқимоқда. Кейинги вақтларда кўп мактабларда таълим-тарбия ишининг савияси анча юксалди, ўқувчилар фан асосларини чуқурроқ билиб олмоқдалар.

Шу билан бирга халқ маорифини уюштиришда жиддий камчиликлар ҳам бор. Айрим жойларда ўқитишнинг сифатини оширишга етарли эътибор берилмаётир. Айрим ўқитувчилар ўзлари ўқитадиган фанни кўпинча яхши билмайдилар, дарсларни паст савияда олиб борадилар, программада кўрсатилган материалларни ўрганишни ҳаёт жараёнлари билан боғламайдилар. Кўп ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштиришлари паст даражада эканлигига ҳам сабаб шу.

Бир қанча педагогика коллективлари, мактаб партия ва комсомол ташкилотларининг сиёсий иши ўқувчиларда коммунистик қараш ва юксак ахлоқий принципларни актив шакллантиришга, уларни меҳнатсеварлик, ишчи касбларини иззат-ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга қаратилган эмас.

Кейинги масалага батафсил тўхталиб ўтмоқчиман. Фан-техника революциясининг социал оқибатларини, кишининг ижтимоий онгига, меҳнат характерига таъсирини ўрганиш ва олдиндан кўра билиш — энг муҳим вазифаларимизнинг биридир. Автоматик жараёнлар кенг тарқалган асрда инсон меҳнати ҳамма бойликларнинг биринчи манбаи бўлиб қолади. Аммо бу — сифат жиҳатидан бошқача бўлган анча мураккаб меҳнатдир. Ишчи малакасининг мазмуни ҳам ўзгаради: ходимнинг билимдонлиги, ишнинг кўзини яхши билиши бу масаланинг зарур ва энг муҳим қисмига айланади.

Буларнинг ҳаммаси бизнинг зиммамизга ўрта мактабда таълим ва меҳнат тарбияси масалаларини ҳал этишга, йигит ва қизларнинг касб танлаб олишига зўр масъулият билан ёндошиш вазифасини юклайди. Республикада мактабларни битириб чиққан ёшларнинг тез ортиб бораётганлиги партия, совет ташкилотлари, министрликлар ва идоралар олдига уларни ишга жойлаштириш, унумли меҳнатда актив қатнаштиришдан иборат ғоят муҳим вазифани кескин қилиб қўяди.

Ҳар бир йигит ва қизнинг бу меҳнатда ўз ўрнини белгилаб олишига кўмаклашиш, жамиятга кўпроқ наф келтира оладиган участкани кўрсатиб бериш — бизнинг бурчимиздир. Бунинг учун конкрет касбларни пропаганда қилишни кучайтириш, ҳар бир ўқувчини ўз қобилиятларига, жисмоний камолотига мос бўлиб тушадиган ва халқ хўжалигининг эҳтиёжларига жавоб берадиган ихтисосни онгли суръатда танлаб олишга тайёрлаш зарур. Ёш авлодга таълим ва тарбия беришда, ёшларнинг бундан буёнги ҳаёт йўлини танлаб олишларида оиланинг роли ва масъулиятини ошириш лозим.

Ёш ишчиларни тайёрлаши лозим бўлган ҳунар-техника билим юртлари шохобчаларини янада ривожлантириш масалалари бизнинг диққат—марказимизда туриши лозим. Кейинги вақтларда партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, корхоналарнинг раҳбарлари, министрликлар ва идоралар ҳунар-техника таълими системасини такомиллаштиришга кўпроқ эътибор бера бошладилар. Республикада кейинги уч йил мобайнидагина янгидан 70 билим юрти ташкил этилди. Уларнинг ўқувчилари сафига яна 26 минг киши келиб қўшилди. 1974—1975 йилларда яна 60 дан ортиқ билим юрти ташкил этилади, ҳунар-техника таълимининг бутун системасида ўқувчилар миқдори эса, 40 минг нафар ортади.

Аммо бу ҳам халқ хўжалигининг малакали ишчи кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлай олмайди. Биз ҳунар-техника билим юртлари шохобчаларини, хусусан ўрта маълумот берадиган билим юртлари шохобчаларини кенгайтириш ҳақида, уларда таълим, ишлаб чиқариш ва тарбия ишини яхши йўлга қўйиш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилишимиз керак. Бу ишни умумпартиявий, умумхалқ иши деб қараш лозим.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ёшларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашда катта роль ўйнайди. Ҳозирги вақтда республикада 41 олий ўқув юрти, 177 техникум ва билим юртлари бор. Буларда 400 мингдан ортиқ киши ўқимоқда. Кейинги саккиз йил мобайнидагина тўққизта олий ва 74 та ўрта махсус ўқув юртлари очилди.

Яқинда 1976 йилда Нукус давлат университетини очиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Қорақалпоғисон Автоном республикасида университетнинг ташкил этилиши ленинча миллий сиёсат тантанасини, партиямиз Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси ва шахсан Л. И. Брежневнинг мамлакатимиздаги барча халқлар экономикаси, маданияти ва фанини янада ривожлантириш тўғрисидаги доимий ғамхўрлигини яққол кўрсатувчи далилларнинг яна биридир.

Олий ўқув юртлари, техникумлар ва билим юртлари юксак ғояли ва малакали мутахассислар тайёрлашда ижобий тажриба тўпладилар. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларини битириб чиққан кишиларнинг ғоят кўпчилиги ажойиб меҳнатчилар бўлиб, ижтимоий-сиёсий ҳаётда актив қатнашмоқдалар.

Шу билан бирга, кўпгина олий ўқув юртлари, техникумлар ва билим юртларида партия, комсомол ташкилотлари, профессор-ўқитувчилар тарбия ишини суст олиб бормоқдалар, студентлар ва ўқувчиларнинг ғоявий-сиёсий ва маънавий ўсиши тўғрисида, уларнинг маданий-маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида кам ғамхўрлик қилмоқдалар.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область, шаҳар ва район ижроия комитетлари, министрлик ва идоралар ўқув юртларида таълим-тарбия ишини юксак даражага кўтариш ҳақида, студентлар ва ўқувчи ёшларнинг талаб ва эҳтиёжлари тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилишлари, уларни, хусусан олис районлардан ўқиш учун келадиган ёшларни ётоқхоналар билан тўла-тўкис таъминлашлари керак.

Баъзи ўқув юртларида ижтимоий фанлардан дарс бериш ғоявий-назарий жиҳатдан паст савияда олиб борилмоқда. Кўпгина студентлар ва ўқувчилар марксизм-ленинизм асосларини яхши билмайдилар, ҳозирги замонда мамлакатимизда ва чет элларда содир бўлаётган воқеаларни эътиборга олиб ўз позицияларини тўғри белгилаш учун ижтимоий фанлар соҳасида ҳосил қилган билимидан фойдалана олмайдилар.

Муаллимлар ва профессор-ўқитувчилар ўқувчиларга ҳамда студентларга таълим ва тарбия беришда ҳал қилувчи роль ўйнайдилар. Бизда 219 минг киши ана шу олижаноб соҳада меҳнат қилмоқда. Уларнинг ғоят кўпчилиги ўзининг юксак бурчини шараф билан ва муносиб равишда бажармоқда.

Аммо баъзан тасодифий шахслар педагоглар қаторига суқилиб кириб қолаётганлиги бизни ташвишлантирмай қололмайди. Улардан баъзилари ахлоқсизлик қилмоқдалар ва ҳатто жиноят йўлига ўтмоқдалар.

Бу — ғоят ташвишлантирадиган фактлардир. Ёш авлодга таълим ва тарбия бериш каби энг фахрли ва энг масъулиятли иш ўқитувчига ишониб топшириб қўйилган-ку, ахир. У ёшларга намуна кўрсатиши, софдил бўлиши, совет кишисига хос энг юксак ахлоқий фазилатларни ўзида мужассамлаштириши керак. Совет педагоги деган юксак номга доғ туширувчи кишиларга ўқув юртларида ўрин бўлиши мумкин эмас.

Партия комитетлари, маориф, олий ва ўрта махсус таълим министрликлари, ҳунар-техника таълими давлат комитети педагог кадрларни танлаш ва тарбиялаш ишига алоҳида эътибор беришлари лозим.

Ўқувчиларни ва студент ёшларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашни тубдан яхшилаш — бизнинг вазифамиздир. Биз шунга эришмоғимиз керакки, мактаб, билим юрти, техникум, олий ўқув юртлари ҳаётининг бутун тарзи, улардаги таълим-тарбия ишининг бутун жараёни ҳар бир ўқувчи ва студентда материалистик дунёқарашни, коммунистик эътиқодни шакллантиришга ёрдам берсин, уларда меҳнатни севиш ҳис-туйғуларини сингдирсин, бизнинг ўқув юртларимиздан коммунизм учун актив курашадиган, меҳнат малакаларини эгаллаган юксак ғояли, билимли ва маданий кишилар етишиб чиқсин.

Партия ташкилотлари ишчи ва қишлоқ ёшларини коммунистик руҳда тарбиялаш ҳақида, уларнинг профессионал ва маънавий ўсиши ҳақида, уларнинг ғоят унумли меҳнат қилишлари, ўқишлари ва дам олишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш тўғрисида кун сайин ғамхўрлик қилишлари керак. Ёш ишчиларнинг мураббийлари ҳаракатини бутун чоралар билан ривожлантириш лозим.

Йигит ва қизларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга кўпроқ эътибор бериш керак. Ёшларни оммавий-спорт ишига кенгроқ жалб этиш, уларни жисмоний жиҳатдан кўпроқ чиниқтириш лозим. Бунинг учун спорт базалари ва иншоотлари қурилишини кенгайтириш, спортнинг хилма-хил турлари бўйича мусобақаларни мунтазам суратда ўтказиб туриш керак.

Биз ишни шундай уюштирмоғимиз керакки, ёшларни тарбиялаш мақсадида амалга ошириладиган тадбирлар хилма-хил, мароқли, қизиқарли бўлсин, барча йигит ва қизларни ўзига жалб қилсин.

Партиянинг содиқ ёрдамчиси комсомол, ёшларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашни ташкил этишда жуда катта роль ўйнайди. Ўз сафларида 1,5 миллиондан ортиқ кишини бирлаштирган республика комсомол ташкилоти комсомоллар ва комсомолда бўлмаган ёшлар ўртасида кўп иш қилаётганлигини айтиб ўтиш керак. Йигит ва қизларнинг кўпгина яхши, ватанпарварлик ишлари комсомолнинг номи билан боғланган.

Л. И. Брежневнинг ВЛКСМ XVII съездида сўзлаган ёрқин ва сермазмун нутқида берилган кўрсатмалар бутун мамлакат каби Ўзбекистондаги барча комсомол ташкилотларининг ҳам жанговар ҳаракат программасидир. Комсомол бу кўрсатмаларга оғишмай амал қилиши, уларни изчиллик билан амалга ошириши лозим.

Комсомол ташкилотларининг тарбия иши аввало ёшларни тўққизинчи беш йиллик вазифаларини бажаришда ғоят актив қатнаштиришни таъминлашга қаратилиши лозим. Улар ҳар бир комсомолнинг, ҳар бир йигит ва қизнинг ўз иши ва ўқиши натижалари учун шахсан жавобгар эканлигини чуқур англаши ва ҳис этишига, ўз меҳнатининг ҳар кунини чинакам зарбдор кунга айлантириш учун астойдил ҳаракат қилишига эришмоқлари керак.

## ОҒЗАКИ ВА МАТБУОТ ПРОПАГАНДАСИНИ ЯНГИ ВАЗИФАЛАР ДАРАЖАСИГА КЎТАРАЙЛИК

Ўртоқлар! Партиямиз коммунистларни ва барча совет кишиларини тарбиялашда, янги инсонни вояга етказишда идеология ишининг кўпгина хилма-хил воситалари, формалари ва методларидан фойдаланмоқда. Марксизм-ленинизмни пропаганда қилиш идеология ишининг ҳал қилувчи бўғини бўлиб, унда партия маорифи системаси алоҳида ўрин олади.

Партия XXIV съезди партия ташкилотларидан коммунистларга марксча-ленинча таълим беришга, кадрларни марксизм-ленинизмни, ҳозирги замоннинг асосий проблемалари юзасидан партия ишлаб чиққан қоидаларни чуқур ўзлаштириш асосида тарбиялашга эътиборни кучайтиришни талаб қилди.

КПСС Марказий Комитетининг «Тошкент шаҳар партия ташкилотида раҳбар кадрларнинг марксча-ленинча ўқиши ва иқтисодий таълими тўғрисида»ги қарори республика партия ташкилотлари учун муҳим ҳужжат бўлди. Бу ҳужжатда коммунистларга, барча меҳнаткашларга сиёсий ва иқтисодий таълим бериш системасининг таъсирчанлигини ошириш соҳасидаги конкрет вазифалар белгилаб берилди.

Республика партия ташкилоти партия съездининг қарорларини ва КПСС Марказий Комитетининг йўл-йўриқларини бажара бориб, коммунистлар ва партиясизларнинг марксча-ленинча ўқишини яхшилаш соҳасида катта иш қилди. Партия маорифи тармоғи кенгайди, марксизм-ленинизмни ўрганиш системасида шуғулланувчи кишилар сони кўпайди. Ҳозирги вақтда бу системада 640 мингга яқин киши, шу жумладан 400 мингдан ортиқ коммунист ўқимоқда. Пропагандистларнинг сифат состави анча яхшиланди. Уларнинг 95 проценти олий ёки тўлиқсиз олий маълумотли кишилардир.

Таълимнинг мазмунида катта ўзгаришлар рўй берди. Кейинги йилларда марксизм-ленинизмнинг таркибий қисмларини ўрганиш билан бирга партия XXIV съездининг, КПСС Марказий Комитети пленумларининг, юбилей тантаналарининг материаллари, Л. И. Брежневнинг докладлари ва нутқлари ҳам ўрганилди.

Бу эса сиёсий ўқишнинг мазмунини бойитди, унинг ғоявий-назарий савиясини оширди, коммунистик қурилишнинг конкрет вазифалари билан алоқани кучайтирди. Бу ҳужжатларни билиш коммунистларга ва партиясизларга мураккаб ижтимоий-сиёсий ҳодисаларни тўғри тушунишга, партия сиёсатини комил ишонч билан амалга оширишга ёрдам бермоқда.

Коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида, фан-техника тараққиёти гуркираб ривожланаётган шароитда кадрларга, кенг меҳнаткашлар оммасига иқтисодий билим бериш жуда катта аҳамият касб этади. Партия иқтисодий ўқишни одамларни меҳнатга ва социалистик мулкка коммунистик муносабат руҳида тарбиялашнинг самарали формаси деб, ҳар бир раҳбар ходимнинг, ҳар бир меҳнатчининг малакасини оширишнинг, хўжалик юритишнинг илмий асосларини жорий этишнинг, планларни ва социалистик мажбуриятларни бажариш учун курашда омманинг ташаббуси ва активлигини оширишнинг муҳим шарти деб билмоқда.

Республикада оммавий иқтисодий таълим системаси барпо этилган бўлиб, бу система ишлаб турибди. Ҳозир бир миллиондан ортиқ киши иқтисодий ўқишнинг турли формаларига жалб этилган.

Буларнинг ҳаммаси — ижобий ҳодисалардир. Меҳнаткашларни сиёсий ва иқтисодий ўқишга кенг жалб этишни таъминлаш ғоят муҳимдир. Бу ишдаги оммавийлик—ишимиз кўламининг энг яхши кўрсаткичидир.

Аммо, шунинг ўзи билан иш битмайди. Энг муҳими рақамлар эмас, балки коммунистик ғоялар одамларнинг эътиқодига, уларнинг турмушдаги ва меҳнатдаги йўлчи юлдузига айланишидир. Шу сабабли бизни, аввало, ўқишнинг сифати, унинг самарадорлиги қизиқтириши керак. Аммо биз худди шу масалада жиддий камчиликларга дуч келиб қоламиз.

Айрим партия комитетлари, министрликлар, идоралар ва уларнинг маҳаллий органлари раҳбарлари кадрларнинг ғоявий-назарий савиясини ташкил этиш ва ошириш, кадрларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқишини яхшилаш соҳасида жуда оз иш қилмоқдалар. Баъзи жойларда бу муҳим ишга расмиятчилик билан, айтишим мумкинки, масъулиятсизлик билан қарашга йўл қўйилмоқда. Қуйидаги фактлар шундан далолат бермайдими, ахир? Бухоро область қишлоқ хўжалик бошқармасида область партия комитетининг маъқуллаши билан иқтисодий ўқишни бир ҳафта ичида тамомлаб қўяқолишибди. Денов ва Сариосиё районларининг бир қанча хўжаликларида раҳбар ходимларнинг иқтисодий ўқиши мутлақо ташкил этилмаган.

Шуни айтиш керакки, Қишлоқ хўжалиги министрлиги ҳам кадрларга иқтисодий билим беришни ташкил этиш билан дуруст шуғулланмаётир. Министрлик ўқишга жалб этиш тўғрисидаги миқдор кўрсаткичларини рўкач этиб, бу ишдаги аҳволни яхшидек қилиб кўрсатмоқда. Ҳақиқатда эса, кўпгина колхозларда ва қишлоқ хўжалик органларида иқтисодий ўқиш ташкил этилмаганлигини текшириш кўрсатди. Мавжуд мактаблар ва семинарларнинг кўпчилиги эса ёмон ишламоқда. Пропагандистлар орасида ҳатто ўрта маълумоти ҳам бўлмаган, яхши тайёргарлик кўрмаган кишилар кўп.

Баъзи партия комитетлари меҳнаткашларнинг марксча-ленинча ўқишида ва иқтисодий билим олишида расмиятчиликка йўл қўймоқдалар. Масалан, Бўстонлиқ районида, Тошкент шаҳрининг Чилонзор ва Собир Раҳимов районларида сиёсий маориф системасидаги машғулотлар кўпинча ғоявий-назарий жиҳатдан жуда паст савияда ўтказилмоқда.

Тошкент область партия комитети, мазкур районларнинг партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг «Тошкент шаҳар партия ташкилотида раҳбар кадрларнинг марксча-ленинча ўқиши ва иқтисодий таълими тўғрисида»ги қароридан ҳамон зарур хулосаларни чиқариб олмаганликлари кўриниб турибди.

Бир қанча жойларда назарий ўқиш меҳнат коллективларининг амалий ишлари ва вазифалари билан дуруст боғлаб олиб борилмаётир. Унда фан-техника тараққиёти ютуқларини пропаганда қилиш, меҳнат унумдорлигини ва экономиканинг самарадорлигини ошириш, ижтимоий ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш масалалари тузук акс эттирилмаётир. Бас, иш шундай ташкил этилгач, ўқиш сиёсий билим даражасини кенгайтиришда, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор методларини, иқтисодий анализ ва хўжалик ҳисоботи маҳоратини эгаллашда тингловчиларга камдан-кам ёрдам бераётганлигига ажабланмаса ҳам бўлади.

Бундай камчиликларга тоқат қилиш мумкин эмаслиги равшан. Марксча-ленинча ўқишни ва иқтисодий таълимни ташкил этишда энг асосий эътибор машғулотларнинг юксак ғоявий-назарий савиясини ва ўқишнинг самарадорлигини таъминлашга қаратилиши керак.

Партия комитетлари лекция пропагандасига раҳбарликни яхшилашлари, бу иш собитқадам, жанговар, ҳужумкор руҳда бўлишига эришишлари лозим. Лекторларимиз совет халқининг коммунизм қурилишидаги улуғвор ютуқларини яққол ва мароқли пропаганда қилишлари, жамиятимиз ривожининг истиқболларини очиб беришлари, бутун диққат-эътиборни халқ хўжалиги соҳасидаги конкрет вазифалар ва проблемаларга қаратишлари, совет кишиларини ғоявий эътиқодли бўлиш, қатъият, буржуа идеологиясининг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасизлик руҳида тарбиялашлари зарур.

Қўриқ ерлар ўзлаштирила бошланганлигининг 20 йиллигига бағишланиб Олмаотада ўтказилган тантаналарда Л. И. Брежнев нутқида илгари сурилган назарий қоидалар ва амалий вазифаларни кенг миқёсда пропаганда қилишни кучайтириш айниқса муҳимдир. Ҳозирги босқичдаги партия аграр сиёсатининг бош йўналишлари моҳияти ва аҳамиятини чуқур тушунтириб бериш, бу сиёсат қандай амалга оширилаётганлигини яққол кўрсатиб беришни таъминлаш лозим.

Оммавий-сиёсий ишни яхшилаш керак. Республикамизда 270 мингдан ортиқ сиёсий докладчи, сиёсий ахборотчи, агитатор ва сиёсий ташкилотчи сиёсий агитация соҳасида меҳнат қилмоқда. Булар асосан сиёсий жиҳатдан саводли кишилардир. Улар кенг меҳнаткашлар оммасига партия билан Совет давлатининг сиёсатини тушунтиришда, меҳнаткашларни тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан аввал бажариш учун сафарбар этишда партия ташкилотларига катта ёрдам бермоқдалар.

Аммо, оммавий-сиёсий ишнинг даражаси ҳали замон талабларига муносиб эмас. Кўпгина коллективларда суҳбатлар ва сиёсий ахборотлар онда-сонда ўтказилмоқда, ўтказилганда ҳам амалий вазифалар билан боғланмаётир. Кўпгина агитаторлар ва сиёсий ахборотчиларнинг номлари қоғозга ёзиб қўйилган бўлса ҳам, аслида ҳеч қандай иш олиб бормаётирлар.

Партия ташкилотлари оммавий-сиёсий ишни доимо такомиллаштиришлари, унинг самарадорлигини оширишлари керак. Ҳамма жойда — заводларда, фабрикаларда, қурилишларда, транспорт, алоқа ва маиший хизмат корхоналарида, колхозларда, совхозларда, муассасаларда, ўқув юртларида, меҳнаткашларнинг истиқомат жойларида суҳбатлар, сиёсий ахборотлар мунтазам равишда ўтказилиши керак.

Сиёсий ахборотлар ва суҳбатларда коллективларнинг, районлар, шаҳарлар, областларнинг ва республиканинг кундалик ҳамда перспектив вазифалари яққол тушунтириб берилиши, илғорлар ва ишлаб чиқариш новаторларининг энг яхши меҳнат намуналари, тажрибаси кенг кўламда пропаганда қилиниши, меҳнаткашларнинг иқтисод ва тежамкорлик йўлидаги кураши конкрет мисоллар асосида кўрсатиб берилиши лозим. Кўргазмали агитациянинг ғоявий-бадиий савиясини ва сафарбар қилувчилик кучини ошириш, уни ўз вақтида янгилаб туриш ва тўғри жойлаштиришни таъминлаш ҳам муҳимдир.

Ҳозир сайлов олди агитацияси оммавий-сиёсий ишда марказий ўринни олиши керак. Бунда КПСС Марказий Комитетининг сайловчиларга Мурожаатини чуқур тушунтиришга алоҳида эътибор бериш лозим. Биз СССР Олий Советига сайлов уюшқоқлик билан, юксак савияда ўтказилиши ва коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг янги ғалабаси билан якунланиши учун, барча меҳнаткашлар сайлов кунига яхши меҳнат туҳфалари билан келиши учун ҳамма ишни қилишимиз зарур.

Биз маданий-оқартув муассасалари фаолиятини яхшилаш соҳасида кўп иш қилишимиз керак. Бу соҳадаги ишларнинг чеки йўқ деса бўлади. Баъзи бир маданият саройлари, клублар ва кутубхоналар, айниқса қишлоқдаги шундай муассасалар ишлатилмай турибди. Уларда оммавий сиёсий-тарбиявий ва маданий-оқартув тадбирлари камдан-кам ўтказилмоқда. Маданий-оқартув муассасалари иш практикасидан маъмуриятчиликни, расмиятчиликни ва кўзбўямачиликни мутлақо йўқотиш, бу муассасалар амалда юксак маданият масканлари ва идеология фаолиятида партия ташкилотларининг таянч пунктлари бўлиб қолишига эришиш керак. Кутубхоналар ишини яхшилаш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда ва фан-техника тараққиётида уларнинг ролини ошириш айниқса муҳимдир, КПСС Марказий Комитетининг яқинда қабул қилган қарори шуни талаб этади.

Маданий-оқартув муассасаларидаги ишларнинг аҳволи учун совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг масъулиятини ошириш лозим.

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда, уларни КПСС XXIV съезди қарорларини бажаришга сафарбар этишда матбуот, телевидение ва радио алоҳида роль ўйнайди, улар кенг кўламда оммалашган бўлиб, катта кучга айланиб қолди.

Ўзбекистонда 253 та газета, шу жумладан 16 та республика, 26 та область, 9 та шаҳар, 126 та район газетаси нашр этилмоқда. Республикамизда 62 та журнал ва журнал типидаги нашрлар чиқарилмоқда. Республикада тарқатилаётган газета ва журналларнинг бир галги тиражи 13 миллион нусхадан ошади. 1970—1973 йиллар мобайнида нашриётларимиз 100 миллион нусхадан кўпроқ китоб ва брошюра чиқарди. Телевизион кўрсатувларнинг ҳар кеча-кундузаги ўртача ҳажми анча ортди. Тўрт программа орқали эшиттириш олиб бораётган радио ҳар бир уйга кирди, дейиш мумкин.

Матбуотимиз марксизм-ленинизмни, мамлакатнинг ва республиканинг коммунистик қурилиш соҳасидаги ютуқларини пропаганда қилиш борасидаги, меҳнаткашларни совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида, юксак ижтимоий онглилик ва ижодий активлик руҳида тарбиялаш борасидаги фаолиятини анча кучайтирди. Матбуотимиз жамиятимиз ҳаётини ҳар томонлама ёритмоқда, бу ишни конкрет мисоллар ва намуналар асосида олиб бормоқда.

Матбуот, телевидение ва радио резервларни очиб, ишга солишга ёрдам бермоқда, ҳаётимизда мавжуд бўлган салбий ҳодисаларни очиб ташламоқда, уларнинг конкрет айбдорларини фош этмоқда, камчиликларни тугатишга ҳаракат қилмоқда. Бу эса матбуотнинг обрў-эътиборини кўтармоқда, унинг чиқишлари таъсирчанлигини оширмоқда.

Шу билан бирга айрим газета ва журналларимизнинг ишида катта камчиликлар борлигини ҳам айтиб ўтмоқ керак. Айрим матбуот органларининг саҳифаларида баъзан ғоясиз ва ҳатто зарарли материаллар ҳам кўриниб қолмоқда.

Телевидение кўрсатувларини ва радио эшиттиришларини ҳам анча яхшилаш керак. Уларнинг баъзи бирлари мазмун жиҳатидан саёз эканлиги, ғоявий ва бадиий жиҳатдан паст савияда тайёрланганлиги ва шу сабабли томошабинлар билан тингловчиларнинг ҳис-туйғуларига тузукроқ таъсир ўтказмаётганлиги сир эмас.

Оммавий ахборот ва пропаганда органларининг ходимлари ўз фаолиятларини бундан буён ҳам яхшилашлари лозим. Жамият моддий ва маънавий неъматларининг бунёдкори, коммунизмнинг актив бинокори бўлган инсон ҳамиша уларнинг диққат марказида туриши керак. Совет кишисининг ахлоқий ва сиёсий қарашлари, унинг дунёқараши қандай шаклланаётганлиги, у қандай меҳнат қилаётганлиги, жамиятда ва турмушда ўзини қандай тутаётганлиги, умумий ишимизга қандай ҳисса қўшаётганлиги — бир дақиқа ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайдиган мавзулардир. Бу мавзулар газеталарда, журналларда, китобларда, радио эшиттиришлари ва телевидение кўрсатувларида кенг кўламда ёритилиши лозим.

Матбуот пропагандасини кучайтиришда нашриётлар муҳим роль ўйнайди. Кейинги вақтларда улар ўз ишини бирмунча яхшилади, уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Яқинда республикамизда «Прогресс» нашриётининг бўлими ташкил этилди, бу бўлим чет эл Шарқи халқларининг етти тилида адабиёт чиқариш билан шуғулланади. Бу эса бизнинг ташқи сиёсий пропагандамизни кучайтириш учун кенг имкониятлар очиб беради.

Вазифа шундан иборатки, ҳамма нашриётларимизнинг ишини кун сайин яхшилаш, уларнинг чиқарилаётган босма маҳсулотнинг ғоявий-назарий савияси ва полиграфик ижроси учун бўлган масъулиятини ошириш керак.

Нашр этилаётган ва эшиттирилаётган материалларнинг сифатини ошириш айниқса муҳимдир. Ғоявий, бадиий ва ижтимоий қиммати паст бўлса ҳам, кўп меҳнат, қоғоз ва халқ маблағи сарфлашни талаб қиладиган саёз, зерикарли мақолалар, эшиттириш ва кўрсатувлар, китоблар йўлига мустаҳкам тўсиқ қўймоқ керак.

Матбуот — воқеа ва ҳодисаларнинг пассив қайд қилувчиси эмас, балки муросасиз курашчидир. Унинг ҳамма чиқишлари собитқадам, жанговар ва ибратли бўлиши, чуқур мазмунли, тематикаси ва жанрлари жиҳатидан хилма-хил, тили ширали, шакли мазмундор бўлиши лозим. Улар одамларга таълим ва тарбия бериши, уларни меҳнат зафарларига, коммунизмнинг порлоқ идеаллари тантанаси йўлида фидокорона курашга руҳлантириши керак.

## АДАБИЁТ ВА САНЪАТНИНГ ЮКСАК ВАЗИФАСИ

Ўртоқлар! Коммунизм қурилиши жараёнида адабиёт билан санъатнинг тарбиявий роли тўхтовсиз ошиб бормоқда. Адабиёт билан санъат одамларнинг дили ва кўнглига, уларнинг ҳис-туйғулари ва фикр-ўйларига таъсир қилиши, янги инсоннинг дунёқарашини, унинг ахлоқий ва эстетик идеалларини шакллантириши, жамиятнинг маънавий маданиятини бойитиши, ҳаётни ўрганиш воситасигина бўлмай, шу билан бирга уни қайта ўзгартиришнинг қудратли воситаси, бизга ёт буржуа идеологиясига қарши курашишнинг ўткир қуроли бўлиб ҳам хизмат қилиши лозим.

Партия XXIV съезди адабиёт ва санъат масалалари юзасидан аниқ йўл-йўриқлар берди. Бу йўл-йўриқлар КПСС Марказий Комитетининг кейинги йилларда қабул қилинган бир қанча қарорларида конкретлаштирилди. Марказий Комитетнинг «Адабий-бадиий танқидчилик тўғрисида»ги, «Совет кинематографиясини янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари алоҳида муҳим аҳамиятга эгадир. Л. И. Брежнев комсомолнинг XVII съездида сўзлаган нутқида ва бошқа нутқларида бадиий ижодкорлик масалалари юзасидан қимматли маслаҳатлар ва йўл-йўриқлар берди.

Шуларнинг ҳаммаси — жамиятимизнинг маънавий бойлигини кўпайтириш тўғрисида, совет бадиий маданиятини янада равнақ топтириш ҳақида, унинг кишиларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги ролини ошириш тўғрисида партия, унинг Марказий Комитети қилаётган оталарча ғамхўрликнинг яққол далилидир.

Партиянинг эътибори ва ғамхўрлигидан руҳланган совет адабиёти ва санъати арбоблари кейинги йилларда коммунистик бунёдкорлик завқ-шавқини ёрқин тасвирлайдиган, одамларнинг қаҳрамонона меҳнатини тараннум этадиган, халққа керакли кўпгина яхши асарларни яратиб беришди.

Ўз мазмуни жиҳатидан, ўз ривожининг бош йўналиши жиҳатидан социалистик, миллий формалари жиҳатидан хилма-хил, руҳи ва характери жиҳатидан интернационалистик бўлган совет адабиёти хазинасига Ўзбекистоннинг санъаткор зиёлилари муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Ёзувчиларимиз, рассомларимиз, композиторларимиз, кино ва театр арбобларимиз. архитекторларимизнинг кўпгина асарлари халқ орасида муносиб равишда кенг обрў қозонди.

(Давоми тўртинчи бетда).

